



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MANKAMASINING QARORI

20 23 yil « 27» may

№ 214

Toshkent sh.

Президент, ижод, ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатларга ўқувчиларни саралаб олиш ҳамда қабул қилиш тартибига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида

Болаларнинг иқтидор ва истеъдодини эрта аниқлаш, уларни халқаро таълим стандартларига мувофиқ ўқитиш, ижодкорлик қобилиятларини ҳар томонлама ривожлантириш, умуминсоний ва миллий қадриятлар, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳузуридаги Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги тизимидаги Президент мактабларига ўқувчиларни саралаб олиш ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом **1-иловага;**

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳузуридаги Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги тизимидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар ва ихтисослаштирилган мактабларга ўқувчиларни саралаб олиш ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом **2-иловага;**

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳузуридаги Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги тизимидаги ижод мактабларига ўқувчиларни саралаб олиш ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом **3-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги Президент, ижод, ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатларга қабул жараёнлари тенг ҳуқуқлилик, очиқлик, адолат ва шаффофлик принциплари асосида амалга оширилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **4-иловага** мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирасин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси мактабгача ва мактаб таълими вазири Х.У. Умарова зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

**Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
ҳузуридаги Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги
тизимидаги Президент мактабларига ўқувчиларни саралаб олиш
ва қабул қилиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур низом Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳузуридаги Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) тизимидаги Президент мактабларига (кейинги ўринларда – Президент мактаблари) ўқувчиларни саралаб олиш ва қабул қилиш тартибини белгилайди.

2. Президент мактабларига ўқувчилар Агентлик томонидан таълим соҳасида хизмат кўрсатувчи ихтисослашган маҳаллий ёки хорижий ташкилотлар (кейинги ўринларда – маҳаллий ёки хорижий ташкилотлар) билан биргаликда ўтказиладиган кириш имтиҳонлари натижалари асосида қабул қилинади.

3. Президент мактабларига ўқувчилар белгиланган йиллик қабул квотаси (иккита синфга бир хил 12 нафардан ўқувчи тақсимланган, 24 нафар ўқувчидан иборат) доирасида қабул қилинади.

4. Президент мактабларига ўқувчилар тенг ҳуқуқлилиқ, очиқлик, адолат ва шаффофлик принциплари асосида мазкур низомга иловада келтирилган схемага мувофиқ қабул қилинади.

5. Белгиланган квотага асосан кириш имтиҳонлари натижалари бўйича энг юқори балл тўплаган ўқувчилар ўқишга қабул қилинади.

2-боб. Қабул комиссияси

6. Президент мактабларига ҳужжатларни қабул қилиш, кириш имтиҳонларини тенг ҳуқуқлилиқ, очиқлик, адолат ва шаффофлик принциплари асосида ташкил этиш мақсадида Агентлик ҳамда унинг тизимидаги ташкилотлар вакиллари билан иборат қабул комиссияси шакллантирилади.

7. Қабул комиссиясининг таркиби Агентлик директори буйруғи билан тасдиқланади.

Қабул комиссияси таркиби 7 кишидан кам бўлмаган тоқ миқдорда комиссия раиси, комиссия раиси ўринбосари, комиссия котиби ҳамда унинг аъзоларидан иборат таркибда тузилади.

8. Қабул комиссияси:

кириш имтиҳонлари материалларини маҳаллий ёки хорижий ташкилотлар билан биргаликда тайёрлайди;

маҳаллий ёки хорижий ташкилотлар билан биргаликда кириш имтиҳонларининг баҳолаш мезонлари, ўтказиш вақти ҳамда жойларини белгилайди;

ҳар бир Президент мактаби бўйича тузилган ишчи гуруҳлар фаолиятини мувофиқлаштиради;

ҳужжатлари қабул қилинган ўқувчиларнинг рўйхатини шакллантиради, уларни кириш имтиҳонлари шартларига мос равишда гуруҳларга тақсимлайди;

кириш имтиҳонларини ташкил этади, натижаларини эълон қилади.

9. Қабул комиссияси томонидан ҳар бир Президент мактаби бўйича алоҳида ишчи гуруҳ шакллантирилади ва тасдиқланади.

10. Ишчи гуруҳ:

ўқувчиларнинг ҳужжатлари мазкур низом талаблари асосида тақдим этилганини кўриб чиқади;

кўриб чиқиш натижасида ўқувчиларнинг ҳужжатларини қабул қилиш, таҳрирлашга юбориш ёки қабул қилишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади;

ҳужжатлари таҳрирлашга юборилган ёки қабул қилиниши рад этилган ҳолларда таҳрирлашга юбориш ёки рад этилиш сабабларини аниқ кўрсатган ҳолда, ўқувчиларнинг шахсий кабинетига ва телефон рақамига SMS шаклида хабар юборади;

кириш имтиҳонлари ўтказиладиган жойларни талаб даражасида тайёрлайди;

ўқувчиларни, уларнинг ота-оналари (қонуний вакил)ни кириш имтиҳонлари шартлари билан таништиради, кириш имтиҳонлари ўтказиладиган жой ва вақти тўғрисида шахсий кабинет ва телефон рақамига SMS шаклида хабар юбориш орқали огоҳлантиради;

тасдиқланган жадвал асосида Президент мактабларига ўқувчиларни кириш имтиҳонлари юзасидан мурожаат қилган шахсларга маслаҳат бериб боради;

қабул қилинган ҳужжатларнинг кунлик мониторингини юритади ва қабул комиссиясига кунлик ахборот киритади.

3-боб. Ҳужжатларни қабул қилиш

11. Қабул комиссияси томонидан ҳужжатларни қабул қилиш бошланишидан камида 10 календарь кун олдин Агентлик ва Президент мактабларининг расмий веб-сайтлари, ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида қабул қилиш тартиби, ҳужжатларни топшириш муддатлари ва қабул квоталари тўғрисида эълон қилинади.

12. Президент мактабларига умумий ўрта таълим муассасаларининг тўртинчи синф битирувчилари орасидан қобилиятли ва иқтидорли (баҳолар табели асосида математика ва табиатшунослик фанларидан ўқув йилини аъло баҳоларга тамомлаган) ўқувчиларнинг ҳужжатлари қабул қилинади.

13. Ўқувчилар фақат таълим олаётган мактабининг худудидаги Президент мактабига ҳужжат топшириши мумкин.

14. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижий давлатдаги таълим муассасасида ўқиётган фарзандлари Президент мактабларининг тегишли синфига ўқувчиларнинг ота-онаси (қонуний вакили)нинг доимий яшаш жойи бўйича ҳужжат топшириши мумкин.

Бунда ўқувчилар таълим олаётган таълим муассасаси томонидан берилган баҳолар табели (ёки шунга тенглаштирилган расмий ҳужжат)нинг давлат тилига таржима қилинган ва тегишли тартибда нотариал идора томонидан тасдиқланган шаклини тақдим этади.

15. Ўзбекистон Республикасида доимий яшаётган фуқаролиги бўлмаган шахслар Президент мактабларида таълим олиш учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг ҳуқуқларга эга.

16. Чет эл фуқаролари фарзандларининг кириш имтиҳонларида иштирок этишларига рухсат этилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

17. Умумий ўрта таълим муассасаларининг тегишли синфларида ўқишни тўлиқ тамомлаган ўқувчилар Президент мактабининг шундай синфида такроран ўқишни талаб қилиш ҳуқуқига эга эмаслар.

18. Президент мактабларига ўқувчиларнинг қуйидаги ҳужжатлари онлайн шаклда Агентликнинг расмий веб-сайти орқали қабул қилинади:

ўқувчиларнинг тегишли ўқув йили натижасига кўра баҳолар табелининг мактаб директори томонидан тасдиқланган нусхаси;

имтиҳон рухсатномасини шакллантириш жараёнида фойдаланиш учун ўқувчиларнинг охириги 2 ой давомида тушган фотосурати;

ўқувчиларнинг туғилганлик ҳақида гувоҳномаси ва уларнинг ота-онаси (қонуний вакили) фуқаролик паспорти маълумотлари, боғланиш учун мобил телефон рақамлари.

Ҳужжат топшириш жараёнида ўқувчиларнинг ота-онаси (қонуний вакили) кириш имтиҳонлари шартлари ва талаблари билан танишганлиги тўғрисидаги онлайн офертани тасдиқлайди.

Ўқувчиларга ҳужжат топшириш жараёнида ихтиёрий равишда худуддаги Агентлик тизимидаги ихтисослаштирилган мактаб ёки мактаб-интернатларидан бирини қўшимча танлаш имконияти берилади.

Бунда кириш имтиҳонининг 2-босқичида муваффақиятли иштирок этиб, Президент мактабига кира олмаган ўқувчилар белгиланган квота доирасида худуддаги танлаган Агентлик тизимидаги ихтисослаштирилган мактаб ёки мактаб-интернатининг бирига ўқувчиларнинг тўплаган баллари кетма-кетлиги бўйича имтиҳонсиз қабул қилинади.

19. Ҳужжатларни белгиланган муддатларда, тўғри ва сифатли тақдим этиш бўйича масъулият ўқувчиларнинг ота-онаси (қонуний вакили) зиммасига юклатилади.

20. Ўқувчиларнинг ҳужжатлари ишчи гуруҳ томонидан кўриб чиқилгандан сўнг (24 соат ичида) уларга ҳужжатлар қабул қилинганлиги, таҳрирлашга юборилганлиги ёки рад этилганлиги тўғрисида хабар юборилади.

21. Қуйидаги ҳолларда ҳужжатлар таҳрирлашга юборилади:

ўқувчилар таълим олаётган мактабнинг ҳудудий мансублиги Президент мактабининг ҳудудий мансублигига мос келмаган ҳолда (мазкур низомнинг 14-банди бундан мустасно);

ушбу низомнинг 18-бандида белгиланган ҳужжатлар тўлиқ бўлмаганда;

тақдим этилган ҳужжатлардаги, муҳрдаги ёзувлар ўқиб бўлмайдиган даражада нусхаланган бўлса.

22. Ҳужжатлар таҳрирлаш учун юборилганда, ўқувчиларга кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш учун ҳужжатлар қабул қилиш муддати тугагунга қадар тўғрилашга рухсат берилади.

Ҳужжатларни қабул қилиш муддати тугагандан сўнг маълумотларни ўзгартиришга рухсат берилмайди.

23. Қуйидаги ҳолларда ўқувчиларнинг ҳужжатларини қабул қилиш рад этилади:

белгиланган муддатлардан кейин кириш имтиҳонида иштирок этиш хоҳишини билдирган тақдирда;

ўқувчилар ўқув йили натижасига кўра мазкур низомнинг 12-бандида кўрсатилган фанлар бўйича “аъло” баҳолар олмаган бўлса;

тақдим этилган ҳужжатларнинг сохта эканлиги аниқланганда;

ўқувчилар чет эл фуқароси бўлса;

умумий ўрта таълим муассасаларининг бешинчи (ёки бешинчи синфдан юқори) синфида ўқишни тўлиқ тамомлаган ўқувчилар Президент мактабининг 5-синфида такроран ўқиш истагини билдирган бўлса.

24. Ўқувчиларнинг ота-онаси (қонуний вакили) ҳужжатларни қабул қилиш муддати тугагунга қадар тақдим этилган аризани қайтариб олиш ёки бекор қилиш ҳуқуқига эга.

25. Президент мактабларига кириш имтиҳонларининг ҳар иккала босқичида ўқувчиларга имтиёзлар берилмайди.

4-боб. Кириш имтиҳонларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби

26. Кириш имтиҳонлари ҳар йили қабул комиссияси томонидан белгиланган муддатларда ўтказилади.

27. Кириш имтиҳонлари давлат тилида (Қорақалпоғистон Республикасида ўзбек ёки қорақалпоқ тилида) ёки ўқувчиларнинг танловига мувофиқ инглиз тилида ўтказилади.

28. Президент мактабларига кириш имтиҳонлари икки босқичда қуйидаги фанлардан ўтказилади:

биринчи босқич – математика фанидан (жами 30 та топширик) тест шаклида ўтказилади.

Масалалар мураккаблик даражасига қараб уч тоифага бўлинади:

- 1) 10 та энгил даражадаги саволлар (А тоифа);
- 2) 10 та ўртача даражадаги саволлар (В тоифа);
- 3) 10 та мураккаб даражадаги саволлар (С тоифа).

29. Биринчи босқич имтиҳони натижалари Агентликнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

30. Биринчи босқич натижасига кўра қабул квотасида белгиланган ҳар бир ўринга 20 нафар ҳисобидан (ҳар бир мактабда жами 480 нафар) максимал балл тўплаган ўқувчиларга иккинчи босқичда иштирок этишга рухсат этилади.

31. Биринчи босқич натижасига кўра тенг натижалар юзага келган ҳолларда, яъни бир нечта ўқувчилар бир хил умумий балл тўплаганда, имтиҳонда жавоби белгиланган масалалар тоифаларининг ҳар бири бўйича юқори балл тўплаган ўқувчиларга қуйидаги тартибда устунлик берилади:

С тоифа саволлар бўйича юқори балл тўплаганлар;

В тоифа саволлар бўйича юқори балл тўплаганлар;

А тоифа саволлар бўйича юқори балл тўплаганлар.

Ўқувчилар барча тоифадаги саволлар бўйича бир хил умумий ва тенг балл тўплаган тақдирда, улар туғилган санаси бўйича сараланади, бунда ёшроқ ўқувчиларга устунлик берилади.

Агарда бу ҳолатда ҳам тенглик сақланиб қолса, қабул комиссияси томонидан ўқувчиларга кўшимча топшириқлар берилади.

32. Иккинчи босқич кириш имтиҳонлари қуйидаги фанлардан тест шаклида ўтказилади:

математика фанидан танқидий фикрлаш ва муаммони ечиш бўйича 40 та;

инглиз тили фанидан грамматика (Grammar component) ва матн билан ишлаш (Reading component) бўйича 40 та тест саволлари.

33. Иккинчи босқич натижасига кўра тенг натижалар юзага келган ҳолларда, яъни бир нечта ўқувчилар бир хил умумий балл тўплаганда, имтиҳонда жавоби белгиланган масалалар тоифаларининг ҳар бири бўйича юқори балл тўплаган ўқувчиларга қуйидаги тартибда устунлик берилади:

муаммони ечиш йўналишидаги саволлар бўйича юқори балл тўплаганлар;

танқидий фикрлаш йўналишидаги саволлар бўйича юқори балл тўплаганлар;

инглиз тилидан матн билан ишлаш (Reading component) йўналишидаги саволлар бўйича юқори балл тўплаганлар;

инглиз тили грамматикасидан (Grammar component) тузилган саволлар бўйича юқори балл тўплаганлар.

Ўқувчилар барча тоифадаги саволлар бўйича бир хил умумий ва тенг балл тўплаган тақдирда, улар туғилган санаси бўйича сараланади, бунда ёшроқ ўқувчиларга устунлик берилади.

Агарда бу ҳолатда ҳам тенглик сақланиб қолса, қабул комиссияси томонидан ўқувчиларга қўшимча топшириқлар берилади.

34. Президент мактабларига кириш имтиҳонларининг жавоблар варағи қора қалам билан белгиланади.

35. Агентлик маҳаллий ёки хорижий ташкилотлар билан биргаликда кириш имтиҳонлари жараёнларининг тенг ҳуқуқлилиқ, очиқлик, адолат ва шаффофлик принциплари асосида ташкил этилишини таъминлайди.

36. Кириш имтиҳонларига тегишли саволлар китоби ва жавоблар варағи махфийлиги таъминланиши лозим бўлган маълумот ҳисобланади.

37. Кириш имтиҳонлари видеокузатув ва бошқа техник воситаларни қўллаган ҳолда белгиланган жойларда ўтказилади.

38. Ўқувчилар имтиҳонга ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг асл нусхаси ва имтиҳон рухсатномаси билан келиши лозим.

Имтиҳон рухсатномаси имтиҳон бошланишидан камида 3 (уч) кун олдин ўқувчининг кириш имтиҳонига оид шахсий маълумотлари билан бирга кириш имтиҳонининг ўтказиш жойи, гуруҳи ва ўтириш ўрни кўрсатилган ҳолда унинг шахсий кабинетига юборилади.

39. Кириш имтиҳонларига ҳужжат топширмаган, имтиҳонга кечиккан ёки келмаган ўқувчилар учун қўшимча танлов ўтказишга йўл қўйилмайди.

40. Кириш имтиҳони ўтказилаётган жойларга ўқувчилар ва кузатувчилар томонидан алоқа воситаларини олиб кириши тақиқланади.

41. Қўйидаги ҳолатлар ўқувчиларни кириш имтиҳони жараёнларидан четлаштиришга асос бўлади:

бошқалардан кўчиришга уриниш ва бошқа ўқувчиларга халақит бериш;
шпаргалка, барча турдаги мобиль алоқа воситалари, калькулятор, луғат, китоблардан фойдаланиш.

Юқоридаги ҳолатлар содир этилганда ўқувчиларга нисбатан тегишли далолатнома расмийлаштирилади, ўқувчилар жавоблар варағини топширган ҳолда имтиҳонни тарк этади. Четлаштирилган ўқувчиларнинг имтиҳон натижалари инобатга олинмайди.

42. Имтиҳон жараёнида ўқувчиларнинг ўзига боғлиқ бўлган ҳолда жараёндан четлатилиши ёки чиқиб кетиши қайта имтиҳон ўтказишга асос бўлмайди.

43. Қабул комиссияси томонидан имтиҳон жараёнларига жалб этилганлардан бошқа шахсларнинг кириш имтиҳони ўтказилаётган аудитория ва биноларга жараён тугагунига қадар кириш-чиқиши қатъиян тақиқланади.

5-боб. Кириш имтиҳонлари натижаларини эълон қилиш

44. Кириш имтиҳонлари натижалари биринчи босқичда имтиҳон топширилган кундан кейин 20 кун ичида, иккинчи босқичда имтиҳон топширилган кундан кейин 30 кун ичида Агентликнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

45. Кириш имтиҳонлари натижалари қайта кўриб чиқилмайди. Кириш имтиҳонлари натижалари бўйича имтиҳон материаллари ўқувчиларга тақдим этилмайди.

6-боб. Ўқувчиларни мактабга қабул қилиш

46. Кириш имтиҳонлари натижасига кўра энг юқори балл тўплаган ўқувчилар белгиланган қабул квотаси доирасида баллар кетма-кетлигида ўқувчилар сафига қабул қилинади.

47. Агентлик томонидан тасдиқланган қайдномаларга асосан янги ўқув йили бошлангунга қадар Президент мактаблари директорларининг буйруғи асосида ўқувчилар мактабга қабул қилинади.

48. Ўқувчилар Президент мактабларига қабул қилингандан сўнг баҳолар табелининг асл нусхаси ўқувчиларнинг аввал ўқиган мактабидан сўров асосида олинади.

49. Президент мактабида қабул қилиниши белгиланган ўқувчи ўқишни давом эттирмаган ҳолларда, унинг ўрнига ўқишга кира олмаганлар орасидан баллар кетма-кетлиги бўйича навбатдаги ўқувчи таклиф қилинади.

Навбатдаги ўқувчини қабул қилиш баллар кетма-кетлиги бўйича ундан олдинги ўқувчининг ота-онаси (қонуний вакили) томонидан ўқишни давом эттириш истаги мавжуд эмаслигини тасдиқловчи ҳужжат олинганидан сўнг қабул қилинади.

50. Белгиланган тартибда тегишли ҳужжатларнинг асл нусхаси тақдим этилмаслиги, ўқувчи ўқишни давом эттириш истагини билдирмаслиги, мактаб ходимлари мурожаатларига жавоб бермаслиги ундан кейинги ўқувчининг қабул қилиниши учун асос бўлади. Ушбу ҳолат бўйича мактаб маъмурияти томонидан тегишли далолатнома расмийлаштирилади.

7-боб. Ўқувчилар бўш ўринларини тўлдириш

51. Қабул комиссияси ўқув йили якуни бўйича ўқувчилар бўш ўринларини тўлдириши мумкин.

52. Бўш ўринларни тўлдириш бўйича ўтказилган имтиҳонлар натижаларини таҳлил қилиш ва ўқувчиларни бўш ўринлар доирасида ўқишга тавсия қилиш қабул комиссияси томонидан амалга оширилади.

53. Президент мактабларида 6-11-синфлардаги бўш ўринларга ўқувчиларни қабул қилиш Агентликнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

Президент мактабларига синфлар кесимида бўш ўринларга ўқувчиларнинг қуйидаги ҳужжатлари онлайн шаклда Агентликнинг расмий веб-сайти орқали қабул қилинади:

6-синфлар учун:

ўтган ўқув йилида 5-синфлар учун ўтказилган иккинчи босқич имтиҳон натижалари асосида ўқувчиларнинг эгаллаб турган ўринлар кетма-кетлиги асосида қабул қилинади.

7-синфлар учун:

6-синфни математика, табиий фан (science), инглиз тили фанларидан йиллик аъло баҳоларга тамомлаган, инглиз тилини билиши, халқаро тестлардан ўтганлик тўғрисидаги тасдиқланган сертификатига (камида IELTS 4,0 /TOEFL iBT 41, PBT 400 / миллий CEFR B1 ёки аналог) эга ўқувчилар орасидан қуйидаги фанларидан имтиҳон топширади:

математика фанидан 40 та;

табиий фан (science) дан 40 та тест саволлари берилади.

Кириш имтиҳонлари якунлари бўйича ўқувчилар ўртасида тенг натижалар юзага келганда қуйидагилар устунликка эга бўлади:

1-даражали (математика) фанидан юқори балл тўплаганлар;

2-даражали табиий фан (science) дан юқори балл тўплаганлар.

8-синфлар учун:

7-синфни математика, физика, биология, кимё ва инглиз тили фанларидан йиллик аъло баҳоларга тамомлаган, инглиз тилини билиши, халқаро тестлардан ўтганлик тўғрисидаги тасдиқланган сертификатига (камида IELTS 5,0 /TOEFL iBT 50, PBT 470 / миллий CEFR B2 ёки аналог)га эга ўқувчилар қуйидаги фанларидан имтиҳон топширади:

математика фанидан 40 та;

физика фанидан 20 та;

биология фанидан 10 та;

кимё фанидан 10 та тест саволлари берилади;

9-синфлар учун:

8-синфни математика, физика, биология, кимё ва инглиз тили фанларидан йиллик аъло баҳоларга тамомлаган, инглиз тилини билиши, халқаро тестлардан ўтганлик тўғрисидаги тасдиқланган сертификатига (камида IELTS 5,5 /TOEFL iBT 65, PBT 500 / миллий CEFR B2 ёки аналог) эга ўқувчилар қуйидаги фанларидан имтиҳон топширади:

математика фанидан 40 та;

физика фанидан 20 та;

биология фанидан 10 та;

кимё фанидан 10 та тест саволлари берилади.

10-синфлар учун:

9-синфни математика, физика, биология, кимё ва инглиз тили фанларидан йиллик аъло баҳоларга тамомлаган, инглиз тилини билиши, халқаро тестлардан ўтганлик тўғрисидаги тасдиқланган сертификатига (камида IELTS 6,5 /TOEFL iBT 79, PBT 550 / миллий CEFR C1 ёки аналог) эга ўқувчилар қуйидаги фанларидан имтиҳон топширади:

математика фанидан 40 та;

физика фанидан 20 та;

биология фанидан 10 та;

кимё фанидан 10 та тест саволлари берилади.

7-10-синфларда кириш имтиҳонлари якунлари бўйича ўқувчилар ўртасида тенг натижалар юзага келганда қуйидагилар устунликка эга бўлади:

1-даражали (математика) фандан юқори балл тўплаганлар;

2-даражали (физика) фандан юқори балл тўплаганлар;

3-даражали (биология, кимё) фандан юқори балл тўплаганлар.

Юқоридаги барча ҳолатларда ўқувчилар кўрсаткичлари тенг бўлган тақдирда, улар туғилган санаси бўйича сараланади, бунда ёшроқ ўқувчига устунлик берилади.

Агарда бу ҳолатда ҳам тенглик сақланиб қолса, ўқувчиларга қабул комиссияси томонидан қўшимча топшириқлар берилади.

11-синфлар учун:

10-синфни математика, физика, биология, кимё ва инглиз тили фанларидан йиллик аъло баҳоларга тамомлаган, инглиз тилини билиши, халқаро тестлардан ўтганлик тўғрисидаги тасдиқланган сертификатига (камида IELTS 6,5 /TOEFL iBT 79, PBT 550 / миллий CEFR C1 ёки аналог) эга бўлган ҳамда халқаро AS-LEVEL сертификати қўлга киритган ўқувчилар қабул қилинади.

Бунда ўқувчилар халқаро (International Advanced Levels) дастурларнинг математика, физика, кимё, биология ва компьютер таълими фанларининг камида учтасидан AS-LEVEL сертификатларининг “с” (AS-LEVELнинг баҳолаш даражаси) ва ундан юқори даражасига эга бўлиши керак.

Юқоридаги барча ҳолатларда ўқувчилар кўрсаткичлари тенг бўлган тақдирда, улар туғилган санаси бўйича сараланади, бунда ёшроқ ўқувчига устунлик берилади.

Агарда бу ҳолатда ҳам тенглик сақланиб қолса, ўқувчиларга қабул комиссияси томонидан қўшимча топшириқлар берилади.

54. Ўқувчиларнинг ўқиши бир Президент мактабидан бошқасига бўш жой бўлган тақдирда, Агентликнинг кўрсатмасига мувофиқ кўчирилади. Қолган ҳолларда ўқувчиларнинг ўқишини кўчиришга рухсат берилмайди.

8-боб. Яқунловчи қоидалар

55. Ушбу низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

56. Ушбу низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб
таълими вазирлиги ҳузуридаги Ихтисослаштирилган
таълим муассасалари агентлиги тизимидаги Президент
мактабларига ўқувчиларни саралаб олиш ва қабул
қилиш тартиби тўғрисида низомга
илова

**Президент мактабларига ўқувчиларни саралаб олиш ва қабул қилиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Агентлик	<p style="text-align: center;">Ҳужжатлар қабули бошланиши тўғрисида ОАВда эълон бериш</p> <p>Президент мактабларига қабул қилиш тартиби, ҳужжатларни топшириш муддатлари ва квоталари тўғрисида маълумот эълон қилинади.</p>	<p>Ҳужжатларни қабул қилиш бошланишидан 10 кун олдин</p>
2-босқич	<p>Агентлик</p> <p>Қабул комиссияси</p> <p>Ишчи гуруҳ</p>	<p style="text-align: center;">Ўқувчилар томонидан Президент мактабларига ҳужжатларни топшириш</p> <p>1. Ўқувчиларнинг ҳужжатларини қабул қилиш учун қабул комиссияси тузилади. Таркиб Агентлик директори буйруғи билан тасдиқланади.</p> <p>2. Кириш имтиҳонларини ўтказиш жадваллари тасдиқланади, Агентлик ва Президент мактабларининг расмий веб-сайтлари, ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида ҳамда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.</p> <p>3. Ўқувчилар томонидан онлайн шаклда тақдим этилган ҳужжатлар кўриб чиқилади. Кўриб чиқиш жараёнида қабул қилинади ёки таҳрирга юборилади ёки рад этилади.</p> <p>4. Президент мактабларига ўқувчиларни кириш имтиҳонлари юзасидан мурожаат қилган шахсларга маслаҳат бериб борилади.</p>	<p>Ҳужжатларни қабул қилиш бошланишидан олдин</p> <p>Ҳужжатларни қабул қилиш бошланишидан 10 кун олдин</p> <p>20 кундан кам бўлмаган муддатда</p> <p>Ҳужжатларни қабул қилиш даврида</p>

3-босқич	<p>Қабул комиссияси, маҳаллий ҳокимликлар</p> <p>Қабул комиссияси маҳаллий ёки хорижий ташкилот билан биргаликда</p>	<p>Имтиҳон ўтказишга тайёргарлик кўриш</p> <p>1. Кириш имтиҳонларини ўтказиш жойлари тайёрланади.</p> <p>2. Кириш имтиҳонлари материаллари тайёрланади.</p>	<p>Кириш имтиҳонлари бошланишидан олдин</p>
4-босқич	<p>Қабул комиссияси маҳаллий ёки хорижий ташкилот билан биргаликда</p>	<p>Кириш имтиҳонларининг 1-босқичини ўтказиш</p> <p>1. Кириш имтиҳонларининг 1-босқичи ўтказилади.</p> <p>2. 1-босқич натижалари Агентлик ва Президент мактабларининг расмий веб-сайтларида эълон қилинади.</p> <p>3. Ҳар бир ўринга 20 нафар ҳисобидан (ҳар бир мактабда жами 480 нафар) максимал балл тўплаган ўқувчиларга 2-босқичда иштирок этишга руҳсат этилади.</p>	<p>Тасдиқланган жадвал асосида</p> <p>Имтиҳон топширилган кундан кейин 20 кун ичида</p>
5-босқич	<p>Қабул комиссияси хорижий ташкилот билан биргаликда</p>	<p>Кириш имтиҳонларининг 2-босқичини ўтказиш</p> <p>1. Кириш имтиҳонларининг 2-босқичи ўтказилади.</p> <p>2. 2-босқич натижаларини Агентлик ва Президент мактабларининг расмий веб-сайтларида эълон қилинади.</p>	<p>Тасдиқланган жадвал асосида</p> <p>Имтиҳон топширилган кундан кейин 30 кун ичида</p>
6-босқич	<p>Қабул комиссияси</p>	<p>Қабул қилишни расмийлаштириш</p> <p>Имтиҳон натижаларига асосан ўқувчиларни Президент мактабига ўқишга қабул қилиш ҳақида Президент мактаби Ижрочи директорининг ўқишга қабул қилиш ҳақидаги буйруғи чиқарилади.</p>	<p>Янги ўқув йили бошлангунга қадар</p>
7-босқич	<p>Қабул комиссияси</p>	<p>Ўқувчилар бўш ўринларини тўлдириш</p> <p>Синфларнинг ҳар биридаги ўқувчилар сони 12 нафардан камайган ҳолларда, мавжуд бўш ўринлар танлов асосида тўлдирилади.</p>	<p>Ўқув йили якунлангандан сўнг</p>

**Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
хузуридаги Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги
тизимидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар
ва ихтисослаштирилган мактабларга ўқувчиларни
саралаб олиш ва қабул қилиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур низом Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги хузуридаги Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) тизимидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар ва ихтисослаштирилган мактабларга (кейинги ўринларда – ихтисослаштирилган мактаблар) ўқувчиларни саралаб олиш ва қабул қилиш тартибини белгилайди.

2. Ихтисослаштирилган мактабларга қабул параметрлари бир синфда ўқувчиларнинг энг кўп сони 24 нафардан (Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек ҳамда Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган мактабларнинг ҳар бир синфига 20 нафардан) ошмаслигини ҳисобга олган ҳолда Агентлик томонидан белгиланади ҳамда ўқувчилар қабул комиссияси томонидан ўтказиладиган кириш имтиҳонлари натижаларига кўра қабул қилинади.

3. Ихтисослаштирилган мактабларга ўқувчилар тенг ҳуқуқлилиқ, очиқлик, адолат ва шаффофлик принциплари асосида мазкур низомга иловада келтирилган схемага мувофиқ қабул қилинади.

4. Белгиланган квота доирасида кириш имтиҳонлари натижаларига кўра энг юқори балл тўплаган ўқувчилар ўқишга қабул қилинади.

Бундан ташқари:

а) рўйхати Агентлик томонидан тасдиқланадиган халқаро, минтақавий ёки асосий фан олимпиадаларининг учинчи (вилоят) босқичи ёки унга тенглаштирилган босқичида тегишли (математика, информатика, физика, кимё, биология) фанлардан ғолиб ва совриндор (1, 2, 3-ўринлар) бўлган умумий ўрта, ўрта махсус ва бошланғич профессионал таълим ташкилотлари ўқувчилари ўзи таълим оладиган ҳудуддаги ихтисослаштирилган мактабларга қабул квотаси доирасида кириш имтиҳонисиз қабул қилинади;

б) Президент мактабларининг 5-синфига кириш имтиҳонларининг 2-босқичида иштирок этиб, ўқишга қабул қилинмаган ўқувчилар ҳужжат топширган Президент мактаби жойлашган (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) ҳудуддаги ихтисослаштирилган мактабнинг аниқ фанлар йўналиши учун белгиланган қабул квотасининг 50 фоизидан ошмаган ҳолда ўқишга қабул қилинади.

Бунда, ўқувчига Президент мактабининг кириш имтиҳонларида иштирок этиш учун онлайн ҳужжат топшириш жараёнида ихтиёрий равишда ҳудуддаги (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) ихтисослаштирилган мактаблардан бирини танлаш ҳуқуқи берилади.

Мазкур банд Агентлик тизимидаги Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек номидаги ихтисослаштирилган мактабларга (кейинги ўринларда – таянч ихтисослаштирилган мактаблар) нисбатан тадбиқ этилмайди.

5. Ўзбекистон Республикасида доимий яшаётган фуқаролиги бўлмаган шахслар ихтисослаштирилган мактабларда таълим олиш учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг ҳуқуқларга эга.

6. Чет эл фуқароларининг фарзандлари ихтисослаштирилган мактабларга Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунига, бошқа қонунчилик ҳужжатларига ҳамда ушбу низомга мувофиқ қабул қилинади.

2-боб. Қабул комиссияси

7. Ихтисослаштирилган мактабларга ҳужжатларни қабул қилиш, кириш имтиҳонларини тенг ҳуқуқчилик, очиқлик, адолат ва шаффофлик принциплари асосида ташкил этиш мақсадида Агентлик ҳамда унинг тизимидаги ташкилотлар вакиллари билан иборат қабул комиссияси шакллантирилади.

8. Қабул комиссиясининг таркиби Агентлик директори буйруғи билан тасдиқланади.

Қабул комиссияси таркиби 7 кишидан кам бўлмаган тоқ миқдорда комиссия раиси, комиссия раиси ўринбосари, комиссия котиби ҳамда унинг аъзоларидан иборат таркибда тузилади.

9. Қабул комиссияси:

кириш имтиҳонлари материалларини таълим ташкилотлари билан биргаликда тайёрлайди;

кириш имтиҳонларининг баҳолаш мезонлари, ўтказиш вақти ҳамда жойларини белгилайди;

таълим дастурларининг фанлараро ва синфлараро интеграциясидан келиб чиқиб, зарур ҳолларда, кириш имтиҳонларининг йўналишларига, саволлар миқдорига ўзгартириш киритади;

ҳар бир ҳудуд (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар) бўйича тузилган ишчи гуруҳлар фаолиятини мувофиқлаштиради;

ҳужжатлари қабул қилинган ўқувчиларнинг рўйхатини шакллантиради, уларни кириш имтиҳонлари шартларига мос равишда гуруҳларга тақсимлайди;

кириш имтиҳонларини ташкил этади, натижаларини эълон қилади.

10. Қабул комиссияси томонидан ҳар бир ҳудуд бўйича алоҳида ишчи гуруҳ шакллантирилади ва тасдиқланади.

11. Ишчи гуруҳ:

ўқувчиларнинг ҳужжатлари мазкур низом талаблари асосида тақдим этилганини кўриб чиқади;

кўриб чиқиш натижасида ўқувчининг ҳужжатларини қабул қилиш, тахрирлашга юбориш ёки қабул қилишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади;

ҳужжатлари тахрирлашга юборилган ёки қабул қилиниши рад этилган ҳолларда тахрирлашга юбориш ёки рад этилиш сабабларини аниқ кўрсатган ҳолда, ўқувчиларнинг шахсий кабинетига ёки телефон рақамига SMS шаклида хабар юборади;

кириш имтиҳонлари ўтказиладиган жойларни талаб даражасида тайёрлайди;

ўқувчиларни, уларнинг ота-онаси (қонуний вакили)ни кириш имтиҳонлари шартлари билан таништиради, кириш имтиҳонлари ўтказиладиган жойи ва вақти тўғрисида шахсий кабинет ёки боғланиш учун тақдим этилган телефон рақамига SMS шаклида хабар юбориш орқали огоҳлантиради;

тасдиқланган жадвал асосида мурожаат қилувчиларга маслаҳат бериб боради;

қабул қилинган ҳужжатларнинг кунлик мониторингини юритади ва қабул комиссиясига кунлик ахборот киритади;

ўқувчилар ва уларнинг ота-онаси (қонуний вакили) томонидан берилаётган саволларга жавоб тайёрлаш ва уларни веб-сайт, ижтимоий тармоқлар орқали кенг оммага тақдим этиш чораларини кўради.

3-боб. Ҳужжатларни қабул қилиш

12. Ҳужжатларни қабул қилиш бошланишидан камида 10 календарь кун олдин қабул комиссияси томонидан Агентлик ва ихтисослаштирилган мактабларнинг расмий веб-сайтлари, ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида қабул қилиш тартиби, ҳужжатларни топшириш муддатлари ва қабул квоталари тўғрисида эълон қилинади.

13. Ўқувчилар фақат таълим олаётган мактабининг ҳудудидаги (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) ихтисослаштирилган мактабларга ҳужжат топшириши мумкин.

14. Ихтисослаштирилган мактабларнинг аниқ фанлар йўналишига умумий ўрта таълим муассасаларининг 4-синфини, табиий фанлар йўналишига 6-синфини тамомлаган ўқувчиларнинг ҳужжатлари қабул қилинади.

Янги ташкил этиладиган ихтисослаштирилган мактабларда биринчи ўқув йили учун аниқ фанлар йўналишига 5-11-синфларга, табиий фанлар йўналишига 7-11-синфларга ўқувчилар қабул қилинади.

15. Хорижий таълим муассасаларида ўқиётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг фарзандлари ота-онаси (қонуний вакили)нинг доимий яшаш жойи бўйича ихтисослаштирилган мактабларга ҳужжат топшириши мумкин.

Бунда ўқувчилар томонидан ўзи таълим олаётган таълим муассасасининг баҳолар табели (ёки шунга тенглаштирилган расмий ҳужжат)нинг давлат тилига таржима қилинган ва тегишли тартибда нотариал идора томонидан тасдиқланган шакли тақдим этилади.

16. Умумий ўрта таълим муассасасининг тегишли синфида ўқишни тўлиқ тамомлаган ўқувчилар ихтисослаштирилган мактабнинг шундай синфида такроран ўқишни талаб қилиш ҳуқуқига эга эмаслар.

17. Ихтисослаштирилган мактабларга ўқувчиларнинг куйидаги ҳужжатлари онлайн шаклда Агентликнинг расмий веб-сайти орқали қабул қилинади:

ўқувчиларнинг тегишли ўқув йили натижасига кўра баҳолар табелининг мактаб директори томонидан тасдиқланган нусхаси;

имтиҳон рухсатномасини шакллантириш жараёнида фойдаланиш учун ўқувчиларнинг охириги 2 ой давомида тушган фотосурати;

ўқувчиларнинг туғилганлик ҳақида гувоҳномаси ва уларнинг ота-онаси (қонуний вакили) фуқаролик паспорти маълумотлари, боғланиш учун телефон рақамлари.

Ҳужжат топшириш жараёнида ўқувчиларнинг ота-онаси (қонуний вакили) кириш имтиҳонлари шартлари ва талаблари билан танишганлиги тўғрисидаги онлайн офертани тасдиқлайди.

Ўқувчиларга ҳужжат топшириш жараёнида ихтиёрий равишда ҳудуддаги (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) ихтисослаштирилган мактаблардан яна бирини қўшимча танлаш имконияти берилади.

18. Ҳужжатларни белгиланган муддатларда, тўғри ва сифатли тақдим этиш бўйича масъулият ўқувчиларнинг ота-онаси (қонуний вакили) зиммасига юкланади.

19. Ҳужжатларни қабул қилиш, кириш имтиҳонлари юзасидан юборилган (шахсий кабинети ёки телефон рақамига SMS) хабарларни ўқувчилар ёки унинг ота-онаси (қонуний вакили) томонидан қабул қилинмаслиги (ўқимаслиги, аризада кўрсатилган телефон рақамининг ишчи ҳолатда бўлмаслиги ва ҳ.к.) бўйича жавобгарлик қабул комиссияси зиммасига юкланмайди.

20. Ўқувчиларнинг ҳужжатлари ишчи гуруҳ томонидан (24 соат ичида) кўриб чиқилгандан сўнг уларга ҳужжатлар қабул қилинганлиги, таҳрирлашга юборилганлиги ёки рад этилганлиги тўғрисида хабар юборилади.

21. Қуйидаги ҳолларда ҳужжатлар таҳрирлашга юборилади:

ўқувчилар таълим олаётган мактабнинг ҳудудий мансублиги ихтисослаштирилган мактабнинг ҳудудий мансублигига мос келмаган ҳолда (мазкур низомнинг 15-банди бундан мустасно);

ушбу низомнинг 17-бандида белгиланган ҳужжатлар тўлиқ бўлмаганда;

тақдим этилган ҳужжатлардаги, муҳрдаги ёзувлар ўқиб бўлмайдиган даражада нусхаланган бўлса.

22. Ҳужжатлари таҳрирлашга юборилганда, ўқувчиларга кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш учун ҳужжатлар қабул қилиш муддати тугагунга қадар тўғрилашга рухсат берилади.

Ҳужжатларни қабул қилиш муддати тугагандан сўнг маълумотларни ўзгартиришга рухсат берилмайди.

23. Қуйидаги ҳолларда ўқувчиларнинг ҳужжатларини қабул қилиш рад этилади:

белгиланган муддатлардан кейин кириш имтиҳонида иштирок этиш хоҳишини билдирилганда;

тақдим этилган ҳужжатларнинг сохта эканлиги аниқланганда;

умумий ўрта таълим муассасасининг тегишли синфида ўқишни тўлиқ тамомлаган ўқувчилар томонидан ихтисослаштирилган мактабнинг шу синфида такроран ўқиш истаги билдирилганда.

24. Ўқувчиларнинг ота-онаси (қонуний вакили) ҳужжатларни қабул қилиш муддати тугагунга қадар тақдим этилган аризани қайтариб олиш ёки бекор қилиш ҳуқуқига эга.

4-боб. Кириш имтиҳонларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби

25. Кириш имтиҳонлари Агентлик томонидан маҳаллий ва хорижий мутахассисларни жалб этган ҳолда тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилади.

26. Кириш имтиҳонлари материаллари малакали маҳаллий ва хорижий мутахассисларни жалб этган ҳолда Агентлик томонидан тайёрланади.

27. Кириш имтиҳони ўқувчилар ҳужжат топширган ихтисослаштирилган мактабнинг таълим бериш тилида ўтказилади.

28. Кириш имтиҳонлари йўналишлар бўйича бир босқичда қуйидаги фанлардан ўтказилади.

Аниқ фанлар йўналиши бўйича:

5-7-синфлар учун математика (30 та топшириқ), инглиз тили (15 та топшириқ) фанларидан (жами 45 та топшириқ);

8-11-синфлар учун алгебра (12 та топшириқ), геометрия (8 та топшириқ), физика (10 та топшириқ) ва инглиз тили (15 та топшириқ) фанларидан (жами 45 та топшириқ) тест шаклида ўтказилади.

Табиий фанлар йўналиши бўйича:

7-синфлар учун табиий (science) фан (30 та топширик) ва инглиз тили (15 та топширик) фанларидан (жами 45 та топширик);

8-11-синфлар учун биология (10 та топширик), кимё (20 та топширик), инглиз тили (15 та топширик) фанларидан (жами 45 та топширик) тест шаклида ўтказилади.

29. Агентлик тизимидаги таянч ихтисослаштирилган мактабларда кириш имтиҳонлари бир босқичда йўналишлар бўйича қуйидаги тартибда ўтказилади.

Ахборот технологиялари йўналиши бўйича:

5-синфлар учун математика (30 та топширик, шундан 10 таси мантиқий фикрлашга йўналтирилган), инглиз тили (15 та топширик) фанларидан (жами 45 та топширик) тест шаклида ўтказилади.

Биология ва кимё йўналиши бўйича:

7-синфлар учун табиий (science) фан (30 та топширик) ва инглиз тили (15 та топширик) фанидан (жами 45 та) тест шаклида ўтказилади.

Физика ва астрономия йўналиши бўйича:

7-синфлар учун математика (30 та топширик, шундан 10 таси мантиқий фикрлашга йўналтирилган), инглиз тили (15 та топширик) фанларидан (жами 45 та топширик) тест шаклида ўтказилади.

30. Кириш имтиҳонлари якунлари бўйича ўқувчилар ўртасида тенг натижалар юзага келганда, ўқувчиларга қуйидаги тартибда устунлик берилади:

а) табиий фанлар бўйича:

1-даражали (табиий фан (science) биология, кимё) фанидан юқори балл тўплаганлар;

2-даражали (чет тили) фанидан юқори балл тўплаганлар.

б) аниқ фанлар бўйича:

1-даражали (математика, геометрия, физика) фанидан юқори балл тўплаганлар;

2-даражали (чет тили) фанидан юқори балл тўплаганлар.

Ўқувчилар барча даражадаги саволлар бўйича бир хил умумий ва тенг балл тўплаган тақдирда, улар туғилган санаси бўйича сараланади, бунда ёшроқ ўқувчиларга устунлик берилади.

Агарда бу ҳолатда ҳам тенглик сақланиб қолса, қабул комиссияси томонидан ўқувчиларга қўшимча топшириқлар берилади.

31. Ўқувчилар имтиҳонга ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг асли ва имтиҳон рухсатномаси билан келиши лозим.

Имтиҳон рухсатномаси имтиҳон бошланишидан камида 3 (уч) кун олдин ўқувчининг кириш имтиҳонига оид шахсий маълумотлари билан бирга кириш имтиҳонининг ўтказиш жойи, гуруҳи ва ўтириш ўрни кўрсатилган ҳолда унинг шахсий кабинетига юборилади.

32. Кириш имтиҳонларига ҳужжат топширмаган, имтиҳонга кечиккан ёки келмаган ўқувчилар учун қўшимча танлов ўтказишга йўл қўйилмайди.

33. Қуйидаги ҳолатлар ўқувчиларни кириш имтиҳони жараёनларидан четлаштиришга асос бўлади:

бошқалардан кўчиришга уриниш ва бошқа ўқувчиларга халақит бериш;
шпаргалка, барча турдаги мобил алоқа воситалари, калькулятор, луғат, китоблардан фойдаланиш.

Юқоридаги ҳолатлар содир этилганда, ўқувчиларга нисбатан тегишли далолатнома расмийлаштирилади ва улар жавоблар варағини топширган ҳолда имтиҳонни тарк этади. Четлаштирилган ўқувчиларнинг имтиҳон натижалари инobatга олинмайди.

34. Кириш имтиҳонлари жараёнида ўқувчиларнинг ўзларига боғлиқ бўлган ҳолда жараёндан четлатилиши ёки чиқиб кетиши қайта имтиҳон ўтказишга асос бўлмайди.

5-боб. Кириш имтиҳонлари натижаларини эълон қилиш

35. Кириш имтиҳонлари натижалари имтиҳон топширилган кундан кейин 20 кун ичида Агентлик ва ихтисослаштирилган мактабларнинг расмий веб-сайтларида эълон қилинади.

36. Ўқувчилар кириш имтиҳонлари натижаларидан норози бўлган тақдирда натижа эълон қилинган вақтдан бошлаб 3 (уч) иш куни ичида апелляция комиссиясига ариза билан мурожаат этишга ҳақли.

37. Кириш имтиҳонлари натижаларидан норози бўлган ўқувчиларнинг мурожаатлари Агентликда тегишли мутахассислардан тузилган апелляция комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

Апелляция комиссиясига Агентлик директори ўринбосари раислик қилади.

38. Апелляция комиссияси ўқувчиларнинг мурожаатини 10 кун муддатда кўриб чиқади ва аризани қаноатлантириш ёки рад қилиш тўғрисида мурожаатчига хулоса беради.

39. Апелляция комиссиясининг норозилик аризасини қаноатлантириш тўғрисидаги хулосаси ўқувчиларга аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича балл қўшиб берилишига асос бўлади.

40. Апелляция комиссиясига бошқа ўқувчиларнинг ишларини кўриб чиқиш ва мурожаатчининг иши билан солиштиришга рухсат берилмайди.

41. Ўқувчилар ва уларнинг ота-онаси (қонуний вакили) берилган жавоблардан норози бўлган тақдирда, белгиланган тартибда юқори турувчи органларга мурожаат этиш ҳуқуқларига эга.

6-боб. Ўқувчиларни мактабга қабул қилиш

42. Кириш имтиҳонлари натижасига кўра энг юқори балл тўплаган ўқувчилар белгиланган қабул квотаси доирасида баллар кетма-кетлигида ихтисослаштирилган мактабларнинг ўқувчилар сафига қабул қилинади.

43. Агентлик томонидан тасдиқланган қайдномаларга асосан янги ўқув йили бошлангунга қадар ихтисослаштирилган мактаблар директорларининг буйруғи асосида ўқувчилар мактабга қабул қилинади.

44. Ўқувчилар ихтисослаштирилган мактабларга қабул қилингандан сўнг баҳолар табелининг асл нусхаси ўқувчиларнинг аввал ўқиган мактабидан сўров асосида олинади.

45. Ихтисослаштирилган мактабга қабул қилиниши белгиланган ўқувчи ўқишни давом эттирмаган ҳолатларда, унинг ўрнига ўқишга кира олмаганлар орасидан баллар кетма-кетлиги бўйича навбатдаги ўқувчи таклиф қилинади.

Навбатдаги ўқувчи баллар кетма-кетлиги бўйича ундан олдинги ўқувчининг ота-онаси (қонуний вакили) томонидан ўқишни мактабда давом эттириш истаги мавжуд эмаслигини тасдиқловчи ҳужжат олинганидан сўнг қабул қилинади.

46. Белгиланган тартибда тегишли ҳужжатларнинг асл нусхаси тақдим этилмаслиги, ўқувчи ўқишни давом эттириш истагини билдирмаслиги, мактаб ходимлари мурожаатларига жавоб бермаслиги ундан кейинги ўқувчининг қабул қилиниши учун асос бўлади. Ушбу ҳолат бўйича мактаб маъмурияти томонидан тегишли далолатнома расмийлаштирилади.

7-боб. Ўқувчилар бўш ўринларини тўлдириш

47. Ихтисослаштирилган мактабларда ўқув йили яқунлангандан кейин бўшаб қолган ўринлар учун кириш имтиҳонлари ушбу низом талабларига мувофиқ Агентлик томонидан ўтказилади, мос равишда умумий ўрта таълим ташкилотларининг тегишли синфини тамомлаган ўқувчиларидан ҳужжат қабул қилинади.

Ихтисослаштирилган мактабларга ўқув йили давомида ўқувчилар қабул қилинмайди.

48. Ўқувчиларнинг ўқиши бир ихтисослаштирилган мактабдан бошқасига йўналиш мос келган ва бўш жой бўлган тақдирда Агентликнинг кўрсатмасига мувофиқ кўчирилади.

8-боб. Яқунловчи қоидалар

49. Ушбу низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

50. Ушбу низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими
вазирлиги ҳузуридаги Ихтисослаштирилган таълим муассасалари
агентлиги тизимидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар
ва ихтисослаштирилган мактабларга ўқувчиларни саралаб олиш
ва қабул қилиш тартиби тўғрисида низомга
илова

**Ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар ва ихтисослаштирилган мактабларга
ўқувчиларни саралаб олиш ва қабул қилиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Агентлик	<p style="text-align: center;">Ҳужжатлар қабули бошланиши тўғрисида ОАВда эълон бериш</p> <p>Ихтисослаштирилган мактабларга қабул қилиш тартиби, ҳужжатларни топшириш муддатлари ва квоталари тўғрисида маълумот эълон қилинади.</p>	Ҳужжатларни қабул қилиш бошланишидан 10 кун олдин
2-босқич	<p style="text-align: center;">Агентлик</p> <p style="text-align: center;">Қабул комиссияси</p> <p style="text-align: center;">Ишчи гуруҳ</p>	<p style="text-align: center;">Ўқувчилар томонидан ихтисослаштирилган мактабларга ҳужжатларни топшириш</p> <p>1. Ўқувчиларнинг ҳужжатларини қабул қилиш учун қабул комиссияси тузилади. Таркиб Агентлик директори буйруғи билан тасдиқланади.</p> <p>2. Кириш имтиҳонларини ўтказиш жадваллари тасдиқланади, Агентлик ва ихтисослаштирилган мактабларнинг расмий веб-сайтлари, ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида ҳамда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.</p> <p>3. Ўқувчилар томонидан онлайн шаклда тақдим этилган ҳужжатлар кўриб чиқилади. Кўриб чиқиш жараёнида қабул қилинади ёки таҳрирга юборилади ёки рад этилади.</p> <p>4. Ихтисослаштирилган мактабларга ўқувчиларни кириш имтиҳонлари юзасидан мурожаат қилган шахсларга маслаҳат бериб борилади.</p>	<p>Ҳужжатларни қабул қилиш бошланишидан олдин</p> <p>Ҳужжатларни қабул қилиш бошланишидан 10 кун олдин</p> <p>20 кундан кам бўлмаган муддатда</p> <p>Ҳужжатларни қабул қилиш даврида</p>

3-босқич	<p>Қабул комиссияси, маҳаллий ҳокимликлар</p> <p>Қабул комиссияси маҳаллий ёки хорижий мутахассисларни жалб этган ҳолда</p>	<p>Имтиҳон ўтказишга тайёргарлик кўриш</p> <p>1. Кириш имтиҳонларини ўтказиш жойлари тайёрланади.</p> <p>2. Кириш имтиҳонлари материаллари тайёрланади.</p>	<p>Кириш имтиҳонлари бошланишидан олдин</p>
4-босқич	<p>Қабул комиссияси маҳаллий ташкилот билан биргаликда</p>	<p>Кириш имтиҳонларини ўтказиш</p> <p>1. Кириш имтиҳонлари бир босқичда ўтказилади.</p> <p>2. Кириш имтиҳонлари натижалари Агентлик ва ихтисослаштирилган мактабларнинг расмий веб-сайтларида эълон қилинади.</p>	<p>Тасдиқланган жадвал асосида</p> <p>Имтиҳон топширилган кундан кейин 20 кун ичида</p>
5-босқич	<p>Апелляция комиссияси</p>	<p>Фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш</p> <p>1. Кириш имтиҳонлари натижаларидан норози бўлган ўқувчиларнинг аризалари қабул қилинади.</p> <p>2. Ўқувчиларнинг мурожаатлари кўриб чиқилади, аризани қаноатлантириш ёки рад қилиш тўғрисида мурожаатчига хулоса берилади.</p>	<p>Имтиҳон натижалари эълон қилингандан сўнг 3 кун ичида</p> <p>Ариза топширилган кундан бошлаб 10 кун ичида</p>
6-босқич	<p>Қабул комиссияси</p>	<p>Қабул қилишни расмийлаштириш</p> <p>Имтиҳон натижаларига асосан ўқувчиларни мактабга ўқишга қабул қилиш ҳақида ихтисослаштирилган мактаб директорининг ўқишга қабул қилиш ҳақидаги буйруғи чиқарилади.</p>	<p>Янги ўқув йили бошлангунга қадар</p>
7-босқич	<p>Қабул комиссияси</p>	<p>Ўқувчилар бўш ўринларини тўлдириш</p> <p>Синфларнинг ҳар биридаги ўқувчилар сони 24 нафардан камайган ҳолларда, мавжуд бўш ўринлар танлов асосида тўлдирилади.</p>	<p>Ўқув йили якунлангандан сўнг</p>

**Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
хузуридаги Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги
тизимидаги ижод мактабларига ўқувчиларни саралаб олиш
ва қабул қилиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур низом Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги хузуридаги Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) тизимидаги ижод мактабларига (кейинги ўринларда – ижод мактаблари) ўқувчиларни саралаб олиш ва қабул қилиш тартибини белгилайди.

2. Ижод мактабларига ўқувчилар Агентлик томонидан белгиланган йиллик қабул квотаси доирасида қабул комиссияси томонидан ўтказиладиган кириш имтиҳонлари натижаларига кўра қабул қилинади.

Ижод мактабларининг 7-синфларига ўқувчилар ижодий имтиҳонлар ҳамда тест синовлари асосида ҳар бир синфда 20 нафардан ошмаган ҳолда қабул қилинади.

3. Ижод мактабларига ўқувчилар тенг ҳуқуқлилиқ, очиқлик, адолат ва шаффофлик принциплари асосида мазкур низомга иловада келтирилган схемага мувофиқ қабул қилинади.

4. Ўзбекистон Республикасида доимий яшаётган фуқаролиги бўлмаган шахслар ижод мактабларида таълим олиш учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг ҳуқуқларга эга.

5. Чет эл фуқароларининг фарзандлари ижод мактабларига Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунига, бошқа қонунчилиқ ҳужжатларига мувофиқ қабул қилинади.

6. Белгиланган квота доирасида кириш имтиҳонлари натижаларига кўра энг юқори балл олган ўқувчилар ўқишга қабул қилинади.

2-боб. Қабул комиссияси

7. Ижод мактабларига ҳужжатларни қабул қилиш, кириш имтиҳонларини тенг ҳуқуқлилиқ, очиқлик, адолат ва шаффофлик принциплари асосида ташкил этиш мақсадида Агентлик, унинг тизимидаги ташкилотлар ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси (кейинги ўринларда – ҳамкор ташкилот) вакилларида иборат қабул комиссияси шакллантирилади.

8. Қабул комиссиясининг таркиби Агентлик директори буйруғи билан тасдиқланади.

Қабул комиссияси таркиби 7 кишидан кам бўлмаган тоқ миқдорда комиссия раиси, комиссия раиси ўринбосари, комиссия котиби ҳамда унинг аъзоларидан иборат таркибда тузилади.

9. Қабул комиссияси:

кириш имтиҳонлари материалларини ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда тайёрлайди;

кириш имтиҳонларининг баҳолаш мезонлари, ўтказиш вақти ҳамда жойларини белгилайди;

таълим дастурларининг фанлараро ва синфлараро интеграциясидан келиб чиқиб, зарур ҳолларда, кириш имтиҳонларининг йўналишларига, саволлар миқдорига ўзгартириш киритади;

ҳар бир ижод мактаби бўйича тузилган ишчи гуруҳлар фаолиятини мувофиқлаштиради;

ҳужжатлари қабул қилинган ўқувчиларнинг рўйхатини шакллантиради, уларни кириш имтиҳонлари шартларига мос равишда гуруҳларга тақсимлайди;

ижодий имтиҳонлар учун ҳакамлар ҳайъати ва апелляция комиссияларига малакали мутахассисларни жалб этади ҳамда уларнинг таркибини тасдиқлайди;

кириш имтиҳонларини ташкил этади, натижаларини эълон қилади.

10. Қабул комиссияси томонидан ҳар бир ижод мактаби бўйича алоҳида ишчи гуруҳ шакллантирилади ва тасдиқланади.

11. Ишчи гуруҳ:

ўқувчиларнинг ҳужжатлари мазкур низом талаблари асосида тақдим этилганини кўриб чиқади;

кўриб чиқиш натижасида ўқувчининг ҳужжатларини қабул қилиш, таҳрирлашга юбориш ёки қабул қилишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади;

ҳужжатлари таҳрирлашга юборилган ёки қабул қилиниши рад этилган ҳолларда таҳрирлашга юбориш ёки рад этилиш сабабларини аниқ кўрсатган ҳолда, ўқувчиларнинг шахсий кабинетига ёки телефон рақамига SMS шаклида хабар юборади;

кириш имтиҳонлари ўтказиладиган жойларни талаб даражасида тайёрлайди;

ўқувчиларни, уларнинг ота-онаси (қонуний вакили)ни кириш имтиҳонлари шартлари билан таништиради, кириш имтиҳонлари ўтказиладиган жойи ва вақти тўғрисида шахсий кабинет ёки боғланиш учун тақдим этилган телефон рақамига SMS шаклида хабар юбориш орқали огоҳлантиради;

тасдиқланган жадвал асосида мурожаат қилувчиларга маслаҳат бериб боради;

қабул қилинган ҳужжатларнинг кунлик мониторингини юритади ва қабул комиссиясига кунлик ахборот киритади;

ўқувчилар ва уларнинг ота-онаси (қонуний вакили) томонидан берилаётган саволларга жавоб тайёрлаш ва уларни веб-сайт, ижтимоий тармоқлар орқали кенг оммага тақдим этиш чораларини кўради.

3-боб. Ҳужжатларни қабул қилиш

12. Ҳужжатларни қабул қилиш бошланишидан камида 10 календарь кун олдин қабул комиссияси томонидан Агентлик ва ижод мактабларининг расмий веб-сайтлари, ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида қабул қилиш тартиби, ҳужжатларни топшириш муддатлари ва қабул квоталари тўғрисида эълон қилинади.

13. Кириш имтиҳонлари барча ижод мактабларида бир вақтда ўтказилади. Ўқувчи ҳужжатларини фақат битта ижод мактабига топшириши мумкин.

14. Хорижий таълим муассасаларида ўқиётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари фарзандлари ижод мактабларига ҳужжат топшириши мумкин.

Бунда ўқувчилар томонидан ўзи таълим олаётган таълим муассасасининг баҳолар табели (ёки шунга тенглаштирилган расмий ҳужжат)нинг давлат тилига таржима қилинган ва тегишли тартибда нотариал идора томонидан тасдиқланган шакли тақдим этилади.

15. Умумий ўрта таълим муассасасининг тегишли синфида ўқишни тўлиқ тамомлаган ўқувчилар ижод мактабининг шундай синфида такроран ўқишни талаб қилиш ҳуқуқига эга эмаслар.

16. Ижод мактабларига ўқувчиларнинг куйидаги ҳужжатлари онлайн шаклда Агентликнинг расмий веб-сайти орқали қабул қилинади:

ўқувчиларнинг тегишли ўқув йили натижасига кўра баҳолар табелининг мактаб директори томонидан тасдиқланган нусхаси;

имтиҳон рухсатномасини шакллантириш жараёнида фойдаланиш учун ўқувчиларнинг охириги 2 ой давомида тушган фотосурати;

ўқувчиларнинг туғилганлик ҳақида гувоҳномаси ва уларнинг ота-онаси (қонуний вакили) фуқаролик паспорти маълумотлари, боғланиш учун телефон рақамлари.

Ҳужжат топшириш жараёнида ўқувчиларнинг ота-онаси (қонуний вакили) кириш имтиҳонлари шартлари ва талаблари билан танишганлиги тўғрисидаги онлайн офертани тасдиқлайди.

17. Ҳужжатларни белгиланган муддатларда, тўғри ва сифатли тақдим этиш бўйича масъулият ўқувчиларнинг ота-онаси (қонуний вакили) зиммасига юкланади.

18. Ҳужжатларни қабул қилиш, кириш имтиҳонлари юзасидан юборилган (шахсий кабинети ёки телефон рақамига SMS) хабарларни ўқувчилар ёки унинг ота-онаси (қонуний вакили) томонидан қабул қилинмаслиги (ўқимаслиги, аризада кўрсатилган телефон рақамининг ишчи ҳолатда бўлмаслиги ва х.к.) бўйича жавобгарлик қабул комиссияси зиммасига юкланмайди.

19. Ўқувчиларнинг ҳужжатлари ишчи гуруҳ томонидан (24 соат ичида) кўриб чиқилгандан сўнг уларга ҳужжатлар қабул қилинганлиги, таҳрирлашга юборилганлиги ёки рад этилганлиги тўғрисида хабар юборилади.

20. Қуйидаги ҳолларда ҳужжатлар таҳрирлашга юборилади:

ушбу низомнинг 16-бандида белгиланган ҳужжатлар тўлиқ бўлмаганда;
тақдим этилган ҳужжатлардаги, муҳрдаги ёзувлар ўқиб бўлмайдиган даражада нусхаланган бўлса.

21. Ҳужжатлари таҳрирлашга юборилганда, ўқувчиларга кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш учун ҳужжатлар қабул қилиш муддати тугагунга қадар тўғрилашга рухсат берилади.

Ҳужжатларни қабул қилиш муддати тугагандан сўнг маълумотларни ўзгартиришга рухсат берилмайди.

22. Қуйидаги ҳолларда ўқувчиларнинг ҳужжатларини қабул қилиш рад этилади:

белгиланган муддатлардан кейин кириш имтиҳонида иштирок этиш хоҳишини билдирилганда;

тақдим этилган ҳужжатларнинг сохта эканлиги аниқланганда;

умумий ўрта таълим муассасасининг тегишли синфида ўқишни тўлиқ тамомлаган ўқувчилар томонидан ижод мактабининг шу синфида такроран ўқиш истаги билдирилганда.

23. Ўқувчиларнинг ота-онаси (қонуний вакили) ҳужжатларни қабул қилиш муддати тугагунга қадар тақдим этилган аризани қайтариб олиш ёки бекор қилиш ҳуқуқига эга.

4-боб. Кириш имтиҳонларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби

24. Кириш имтиҳонлари материаллари ҳамкор ташкилот билан биргаликда Агентлик томонидан тайёрланади.

25. Кириш имтиҳонларининг биринчи ва иккинчи босқичларида ўқувчиларнинг ижодий ишларини баҳолаш учун Агентлик томонидан ҳамкор ташкилот билан биргаликда ҳар бир ижод мактабида 5 нафардан кам бўлмаган тоқ миқдорда ҳакамлар ҳайъати таркиби тасдиқланади.

26. Кириш имтиҳонлари давлат тилида (Қорақалпоғистон Республикасида қорақалпоқ тилида), Исҳоқхон Ибрат номидаги ижод мактабида чет тилида ўтказилади.

27. Кириш имтиҳонлари:

биринчи босқич – ижодий матн яратиш;

иккинчи босқич – ижодий суҳбат;

учинчи босқич – она-тили ва адабиёти (20 та топширик), инглиз тили (15 та топширик) фанларидан ҳамда интеллектуал қобилият даражаси бўйича (15 та топширик) жами 50 та топшириқдан иборат тест синовлари шаклида ўтказилади (Исҳоқхон Ибрат номидаги ижод мактаби бундан мустасно).

28. Исҳоқхон Ибрат номидаги ижод мактаби учун кириш имтиҳонлари:

биринчи босқич – ижодий матн яратиш;

иккинчи босқич – ижодий суҳбат;

учинчи босқич – англиз тили (20 та топширик), она тили ва адабиёти (15 та топширик) фанларидан ҳамда интеллектуал қобилият даражаси бўйича (15 та топширик) жами 50 та топшириқдан иборат тест синовлари шаклида ўтказилади.

29. Ўқувчиларнинг кириш имтиҳонлари натижаларига кўра баллари тенг бўлиб қолган ҳолларда қуйидагилар устунликка эга бўлади:

биринчи босқичда юқори балл тўплаган ўқувчиларга;

иккинчи босқичда юқори балл тўплаган ўқувчиларга;

учинчи босқичда энг кўп топширик берилган фандан юқори балл тўплаган ўқувчиларга.

Ўқувчилар барча тоифадаги саволлар бўйича бир хил умумий ва тенг балл тўплаган ҳолларда, улар туғилган санаси бўйича сараланади, бунда ёшроқ ўқувчига устунлик берилади.

Агарда бу ҳолатда ҳам тенглик сақланиб қолса, қабул комиссияси томонидан ўқувчиларга қўшимча топшириқлар берилади.

30. Ўқувчилар имтиҳонга ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг асли ва имтиҳон рухсатномаси билан келиши лозим.

Имтиҳон рухсатномаси имтиҳон бошланишидан камида 3 (уч) кун олдин ўқувчининг шахсий маълумотлари билан бирга имтиҳон ўтказиш жойи, гуруҳи ва ўтириш ўрни кўрсатилган ҳолда унинг шахсий кабинетига юборилади.

31. Кириш имтиҳонларига ҳужжат топширмаган, имтиҳонга кечиккан ёки келмаган ўқувчилар учун қўшимча танлов ўтказишга йўл қўйилмайди.

32. Қуйидаги ҳолатлар ўқувчиларни кириш имтиҳони жараёнларидан четлаштиришга асос бўлади:

бошқалардан кўчиришга уриниш ва бошқа ўқувчиларга халақит бериш; шпаргалка, барча турдаги мобил алоқа воситалари, калькулятор, луғат, китоблардан фойдаланиш.

Юқоридаги ҳолатлар содир этилганда, ўқувчиларга нисбатан тегишли далолатнома расмийлаштирилади ва улар жавоблар варағини топширган ҳолда имтиҳонни тарк этади. Четлаштирилган ўқувчиларнинг имтиҳон натижалари инобатга олинмайди.

33. Кириш имтиҳони жараёнида ўқувчиларнинг ўзларига боғлиқ бўлган ҳолда жараёндан четлатилиши ёки чиқиб кетиши қайта имтиҳон ўтказишга асос бўлмайди.

5-боб. Кириш имтиҳонлари натижаларини эълон қилиш

34. Кириш имтиҳонларининг якуний натижалари тест синовлари ўтказилган кундан кейин 20 кун ичида Агентлик ҳамда ижод мактабларининг расмий веб-сайтларида эълон қилинади.

35. Ўқувчилар кириш имтиҳонлари натижаларидан норози бўлган тақдирда натижа эълон қилинган вақтдан бошлаб 3 (уч) иш куни ичида апелляция комиссиясига ариза билан мурожаат этишга ҳақли.

36. Кириш имтиҳонлари натижаларидан норози бўлган ўқувчиларнинг мурожаатлари Агентликда тегишли мутахассислардан тузилган апелляция комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

Апелляция комиссиясига Агентлик директори ўринбосари раислик қилади.

37. Апелляция комиссияси ўқувчиларнинг мурожаатини 10 кун муддатда кўриб чиқади ва аризани қаноатлантириш ёки рад қилиш тўғрисида мурожаатчига хулоса беради.

38. Апелляция комиссиясининг норозилик аризасини қаноатлантириш тўғрисидаги хулосаси ўқувчиларга аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича балл қўшиб берилишига асос бўлади.

39. Апелляция комиссиясига бошқа ўқувчиларнинг ишларини кўриб чиқиш ва мурожаатчининг иши билан солиштиришга рухсат берилмайди.

40. Ўқувчилар ва уларнинг ота-онаси (қонуний вакили) берилган жавоблардан норози бўлган тақдирда, белгиланган тартибда юқори турувчи органларга мурожаат этиш ҳуқуқларига эга.

6-боб. Ўқувчиларни мактабга қабул қилиш

41. Кириш имтиҳонларининг умумлаштирилган натижасига кўра энг юқори балл тўплаган ўқувчилар белгиланган қабул квотаси доирасида баллар кетма-кетлигида ижод мактабларининг ўқувчилар сафига қабул қилинади.

42. Агентлик томонидан тасдиқланган қайдномаларга асосан янги ўқув йили бошлангунга қадар ижод мактаблари директорларининг буйруғи асосида ўқувчилар мактабга қабул қилинади.

43. Ўқувчилар ижод мактабларига қабул қилингандан сўнг баҳолар табелининг асл нусхаси ўқувчиларнинг аввал ўқиган мактабидан сўров асосида олинади.

44. Ижод мактабига қабул қилиниши белгиланган ўқувчи ўқишни давом эттирмаган ҳолатларда, унинг ўрнига ўқишга кира олмаганлар орасидан баллар кетма-кетлиги бўйича навбатдаги ўқувчи таклиф қилинади.

Навбатдаги ўқувчи баллар кетма-кетлиги бўйича ундан олдинги ўқувчининг ота-онаси (қонуний вакили) томонидан ўқишни мактабда давом эттириш истаги мавжуд эмаслигини тасдиқловчи ҳужжат олинганидан сўнг қабул қилинади.

45. Белгиланган тартибда тегишли ҳужжатларнинг асл нусхаси тақдим этилмаслиги, ўқувчи ўқишни давом эттириш истагини билдирмаслиги, мактаб ходимлари мурожаатларига жавоб бермаслиги ундан кейинги ўқувчининг қабул қилиниши учун асос бўлади. Ушбу ҳолат бўйича мактаб маъмурияти томонидан тегишли далолатнома расмийлаштирилади.

7-боб. Ўқувчилар бўш ўринларини тўлдириш

46. Ижод мактабларида ўқув йили якунлангандан кейин бўшаб қолган ўринлар учун кириш имтиҳонлари ушбу низом талабларига мувофиқ Агентлик томонидан ўтказилади, мос равишда умумий ўрта таълим ташкилотларининг тегишли синфини тамомлаган ўқувчиларидан ҳужжат қабул қилинади.

Ижод мактабларига ўқув йили давомида ўқувчилар қабул қилинмайди.

47. Ўқувчиларнинг ўқишини бир ижод мактабидан бошқасига кўчириш йўналиш мос келган ва бўш жой бўлган тақдирда Агентликнинг кўрсатмасига мувофиқ амалга оширилади.

8-боб. Якунловчи қоидалар

48. Ушбу низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

49. Ушбу низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими
вазирлиги ҳузуридаги Ихтисослаштирилган таълим муассасалари
агентлиги тизимидаги ижод мактабларига ўқувчиларни саралаб
олиш ва қабул қилиш тартиби тўғрисида низомга
илова

**Ижод мактабларига ўқувчиларни саралаб олиш ва қабул қилиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Агентлик	<p style="text-align: center;">Ҳужжатлар қабули бошланиши тўғрисида ОАВда эълон бериш</p> <p>Ижод мактабларига қабул қилиш тартиби, ҳужжатларни топшириш муддатлари ва квоталари тўғрисида маълумот эълон қилинади.</p>	<p>Ҳужжатларни қабул қилиш бошланишидан 10 кун олдин</p>
2-босқич	<p style="text-align: center;">Агентлик</p> <p style="text-align: center;">Қабул комиссияси</p> <p style="text-align: center;">Ишчи гуруҳ</p>	<p style="text-align: center;">Ўқувчилар томонидан ижод мактабларига ҳужжатларни топшириш</p> <p>1. Ўқувчиларнинг ҳужжатларини қабул қилиш учун қабул комиссияси тузилади. Таркиб Агентлик директори буйруғи билан тасдиқланади.</p> <p>2. Кириш имтиҳонларини ўтказиш жадваллари тасдиқланади, Агентлик ва ижод мактабларининг расмий веб-сайтлари, ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида ҳамда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.</p> <p>3. Ўқувчилар томонидан онлайн шаклда тақдим этилган ҳужжатлар кўриб чиқилади. Кўриб чиқиш жараёнида қабул қилинади ёки таҳрирга юборилади ёки рад этилади.</p> <p>4. Ижод мактабларига ўқувчиларни кириш имтиҳонлари юзасидан мурожаат қилган шахсларга маслаҳат бериб борилади.</p>	<p>Ҳужжатларни қабул қилиш бошланишидан олдин</p> <p>Ҳужжатларни қабул қилиш бошланишидан 10 кун олдин</p> <p>20 кундан кам бўлмаган муддатда</p> <p>Ҳужжатларни қабул қилиш даврида</p>

3-босқич	<p>Қабул комиссияси, маҳаллий ҳокимликлар</p> <p>Қабул комиссияси маҳаллий мутахассисларни жалб этган ҳолда</p>	<p>Имтиҳон ўтказишга тайёргарлик кўриш</p> <p>1. Кириш имтиҳонларини ўтказиш жойлари тайёрланади.</p> <p>2. Кириш имтиҳонлари материаллари тайёрланади.</p>	<p>Кириш имтиҳонлари бошланишидан олдин</p>
4-босқич	<p>Қабул комиссияси маҳаллий ташкилот билан биргаликда</p>	<p>Кириш имтиҳонларининг биринчи ва иккинчи (ижодий) босқичини ўтказиш</p> <p>1. Кириш имтиҳонларининг биринчи (ижодий матн яратиш) босқичи ўтказилади.</p> <p>2. Кириш имтиҳонларининг иккинчи (ижодий суҳбат) босқичи ўтказилади.</p>	<p>Тасдиқланган жадвал асосида</p>
5-босқич	<p>Қабул комиссияси маҳаллий ташкилот билан биргаликда</p>	<p>Кириш имтиҳонларининг учинчи (тест) босқичини ўтказиш</p> <p>1. Кириш имтиҳонларининг учинчи (тест) босқичи ўтказилади.</p> <p>2. Кириш имтиҳонларининг натижалари Агентлик ва ижод мактабларининг расмий веб-сайтларида эълон қилинади.</p>	<p>Тасдиқланган жадвал асосида</p> <p>тест синовларидан кейин 20 кун ичида</p>
6-босқич	<p>Апелляция комиссияси</p>	<p>Фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш</p> <p>1. Кириш имтиҳонлари натижаларидан норози бўлган ўқувчиларнинг аризалари қабул қилинади.</p> <p>2. Ўқувчиларнинг мурожаатлари кўриб чиқилади, аризани қаноатлантириш ёки рад қилиш тўғрисида мурожаатчига хулоса берилади.</p>	<p>Имтиҳон натижалари эълон қилингандан сўнг 3 кун ичида</p> <p>Ариза топширилган кундан бошлаб 10 кун ичида</p>

7-босқич	Қабул комиссияи	Қабул қилишни расмийлаштириш Имтиҳон натижаларига асосан ўқувчиларни мактабга ўқишга қабул қилиш ҳақида ижод мактаби директорининг ўқишга қабул қилиш ҳақидаги буйруғи чиқарилади.	Янги ўқув йили бошлангунга қадар
8-босқич	Қабул комиссияси	Ўқувчилар бўш ўринларини тўлдириш 1. Синфларнинг ҳар биридаги ўқувчилар сони 20 нафардан камайган ҳолларда, мавжуд бўш ўринлар танлов асосида тўлдирилади.	Ўқув йили якунлангандан сўнг

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил “27” майдаги 214 -сон қарорига
4-илова

**Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг ўз кучини йўқотган
деб эътироф этилаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 июндаги 526-сон қарори билан тасдиқланган Президент мактаблари тўғрисидаги низомнинг 5-боби.
2. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 5 майдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар ва ихтисослаштирилган мактаблар тўғрисидаги низомнинг 5-боби.

